ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАНТАНАСИ

ЯШАСИН СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
7 НОЯБРЬ 1967 й.
СЕШАНБА
№ 262 (417)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Байрам арафасида шаҳар меҳнаткашлари граждан урушида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун бўлган жангларда ҳалок бўлган ўртоқларни эслаш учун ўртоқлик мозорига тўпландилар. Фахрий қоровул саф тортади. Ўртоқлик мозорига шаҳар корхоналари ва ташкилотлари номидан гулчамбарлар қўйилади.

КОММУНИЗМ ЧЎҚҚИЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

БАЙРАМ КОЛОННАЛАРИДАН



Ўзбекистон пойтахтида ҳарбий парад ва меҳнаткашлар вакилларининг намойиши

ШОНЛИ Октябрь 50 ёшга тўлди. Бу улуғ санани Ленининг ғолиб байроғи остида буюк қаҳрамонона меҳнат ва мардона жасорат, ажойиб ўзгаришлар билан кутиб олмоқдамиз.

Ўтган ярим аср мобайнида планетамизда янги даврга асос солган Улуғ Октябрь ўзининг нақадар қудратли ҳаётбахш куч эканлигини намойиш қилди.

Биз бу шонли байрамга узоқ тайёргарлик кўрдик. Совет ҳокимиятининг ярим асрлик олтин тўйига ютуқ ва ғалабаларимизни бағишладик. Завод, фабрика, қурилиш, колхоз ва совхозлар коллективларининг байрам рапортлари Октябрга муносиб тўёнадир.

В. И. Ленин номли майдон улуғвор ва тантанали манзара касб этган. Қисқа вақт ичида қайтадан қурилган, байрам либосига бурканган бу майдон ноябрнинг мусаффо тонгида тошкентликларнинг кўп сонли колонналарини қабул қилиб олиш учун тайёр. Муҳташам парадлар хиёбонининг бир томонида республикамиз илғор кишиларининг ўнлаб портретлари қўйилган. Бу ерда мўл ҳосил усталари, бригада бошлиқлари, ўқитувчилар ва инженерлар, слесарь ва врачлар, почтальон ва агрономлар, бинокорлар ва механизаторлар — орденли республикамизнинг фахри бўлган хилма-хил касб эгаларининг фото суратлари қўйилган.

Майдоннинг этагида, ҳукумат минбарининг рўбарўсида улкан панно товланиб турибди. Унда шонли тарихимиз саҳифаларини гавдалантирувчи тасвир—қўлларига милтиқ олиб революция ғалабаларини мудофаа қилган ишчи, солдат, деҳқон. Бошқа бир паннода жонажон Совет ҳокимиятини душманлардан қўлга қурол олиб ҳимоя қилган замондошларимиз революция ворисларининг қувноқ чеҳраси акс эттирилган. Улар оталар ишини давом эттириб жонажон Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг порлоқ чўққилари сари шаҳдам бормоқдалар.

Майдон узра байроқлар хилпирайди. Бино пештоқида Карл Маркс ва В. И. Ленин портретлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолари ва Сиёсий Бюро аъзолигига кандидат ўртоқларининг портретлари қўйилган.

Меҳмонлар учун ҳозирланган минбарда пойтахт ва республика меҳнаткашларининг вакиллари, саноат корхоналари ва қурилишларининг новаторлари ва илғорлари, мўл ҳосил усталари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари ҳозир бўлишган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, республика министрлари, революция ва Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, чет эллик меҳмонлар ҳам трибуналардан жой олишган.

...Эрта билан соат 10. Республика партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳукумат минбарига кўтариладилар.

Фанфарларнинг тантановор садоси ҳарбий парад бошланганлигидан хабар беради. Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Н. Г. Ляшченко парад қўмондони генерал-лейтенант Н. Лазебников ҳамроҳлигида майдонда саф тортган қўшинларни айланиб чиқадилар.

Яна фанфарлар садоси янграйди — «Ҳамма тингланг!», Н. Г. Ляшченко минбарга кўтарилиб жангчиларга, пойтахт аҳолисига, республиканинг барча меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлайди. Ўртоқ Н. Г. Ляшченко Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси ҳукумати номидан ва уларнинг топшириғига биноан жангчиларни, республика меҳнаткашларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги билан табриклайди ва қутлайди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги мобайнида экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида меҳнаткашлар қўлга киритган ажойиб муваффақиятлар ҳақида мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг улуғвор программасини белгилаб берган КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини турмушга тадбиқ этиш учун фидокорона меҳнат қилаётган партия ва халқнинг монолит бирлиги ҳақида сўзлайди. Юбилей вахтасида республика саноат корхоналари, шу жумладан Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари 10 ойлик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Октябрнинг шонли байрами кунига республика пахтакорлари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатларидан ғалаба рапорти бермоқдалар. «Оқ олтин» тоғлари тобора кўкка бўй чўзиб, 4 миллион тонналик юксак марра эгалланишига оз қолди.

Ҳар йилей йилида қардош республикалардан Тошкентга ёрдам кўрсатиш учун келган кўплаб қурувчилар коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Латвия, Литва, Эстония, Белоруссия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон қурилиш-монтаж поездлари коллективлари қисқа муддатда, мураккаб шароитларда тошкентликлар учун юзлаб шинам уйлар қуриб бердилар. Октябрнинг 50 йиллик байрамини Ўзбекистон пойтахтида нишонлаётган Москва, Ленинград, Россия Федерацияси, Украина бинокорлари ўз мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Бу мамлакатимиз халқлари мустаҳкам дўстлиги ва биродарлигининг ёрқин намойишидир.

Н. Г. Ляшченко ўз сўзида давом этиб социализм, демократия ва тараққиётнинг қудратли, ғолибона одими ҳақида гапириб, бу империалистларни, капитал магнатларини, экзодлик ва мустақиллик душманларини қутиртираётганлигини айтди.

Империалистлар тарихнинг зафарли йўлини тўсишга беҳуда уриниб, ер шарининг турли районларида хилма-хил ирвогарчиликларни юзага келтириб, бу районларни социализм ва миллий озодлик курашига қарши очиқ жанг майдонига айлантиришга уринмоқдалар. Бунга мисол қилиб Америка Қўшма Штатларининг Вьетнам халқига қарши қароқчиларча олиб бораётган агрессияси, Вьетнам Демократик Республикасининг вахшийларча бомбардимон қилинишини кўрсатиш мумкин.

— Бундай шароитда,— дейди ўртоқ Н. Г. Ляшченко,— Коммунистик партия Совет Итгифоқининг мудофаа қудратини янада ошириш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Туркистон ҳарбий округининг жангчилари ўз маҳоратларини тинмай ошириб бормоқдалар, энг замонавий техникани ўрганмоқдалар. Округ жангчилари шонли 50 йилликка жанговар ва снёсиз тайёргарликда юксак кўрсаткичлар билан келдилар. Социалистик Ватанга, коммунизм буюк ишига чексиз садоқат руҳида тарбияланган жангчиларимиз Октябрь самараларини хушёр туриб қўриқламоқдалар.

Қўшинлар қўмондони Улуғ Октябрь Социалистик революцияси, совет халқи шарафига жонажон Совет ҳукумати, бизни коммунизм сари бошлаб бораётган Коммунистик партияга, қуролли кучлари шон-шарафлар айтади.

Совет Иттифоқи, Ўзбекистон ССР Давлат гимнларининг улуғвор садолари ва тўплардан отилган салют байрамнинг жўшқин руҳига ҳамоҳанг бўлиб қўшилиб кетади. Ҳарбий парад бошланади. Қўшинлар жанговар байроқларни ҳилпиратиб минбар олдидан ўтадилар. Шаҳдам қадам ташлаб ҳарбий билим юртларининг курсантлари ўтмоқдалар. Десантчилар тушган бронемашина майдонга кириб келади. Улар ортидан тезюрар танклар ва пушкалар-реактив ва стволли артиллерия бормоқда.

Қўшинлар майдон бўйлаб ўтар экан, ҳарбий парадда ҳозир бўлганлар Ватанимиз жанговар қудратининг ёрқин намойишини кўрадилар.

Тантанали марш ҳарбий парадниг тугаганлигидан дарак беради. Парадлар хиёбонига намойишчиларнинг колоннаси кириб келади. Олдинда инсоният тарихида янги даврнинг бошланганлигидан хабар берган афсонавий «Аврора» крейсерининг улкан макети. Сўнгра хилма-хил транспарантлар ва байроқлар кўтариб намойишчилар ўтишади.

Машиналардан бирида «Жанговар Қизил Байроқ» орденининг макети. Тошкентнинг шонли пролетариати жанговар хизматлари учун бу мукофотга сазовор бўлган эди. Машина ортидан революция ветеранлари, граждан урушн босмачиларга қарши кураш қатнашчилари, бундан ярим аср муқаддам дахшатли йилларда қўлда қурол билан Совет ҳокимияти учун курашганлар ўтмоқдалар.

Майдонга мотоциклчилар кириб келадилар. Улар «Октябрга 50 йил» деган сўзни ташкил қилувчи ҳарфларни олиб ўтмоқдадалар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Асомов орден лентаси билан безанган республика пойтахти байрогини олиб чиқади.

Тошкентликлар ўтган йили жиддий синовдан ўтдилар. Аммо табиий офат уларнинг продасини, меҳнаткаш шаҳарнинг кайфиятини буза олмади. Ўтган йили ҳам, бу юбилей йилида ҳам индустриал Тошкент ўз муваффақиятларидан шараф билан рапорт берди. Ленин номли майдондаги рақамлар ана шулар ҳақида ҳикоя қилади. Юбилей йилининг 10 ой мобайнида Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари планни 102,4 процент қилиб бажардилар. Планга қўшимча равишда 30 миллион сўмга яқин хилма хил маҳсулотлар ишлаб чиқардилар. Бинокорлар ҳам ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. 700 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Мана, «Тошкентни бутун мамлакат қурмоқда» деган шиор билан безанган машинада 15 иттифоқчи республика вакиллари ўтмоқдалар. Улар кўп қаватли турар-жой биносининг макетини кўтариб олишган.

Майдондан пойтахтнинг Ленин райони меҳнаткашлари ўтмоқдалар. Намойишчилар В. И. Ленининг катта портретини кўтариб олишган.

Шаҳардаги энг кекса районлардан—Октябрь районининг намойишчилари кўтариб ўтган транспарантлар қишлоқ меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар ва район меҳнаткашларининг уларга кўрсатган кўмаги ҳақида ёрқин ҳикоя қилади.

«Беш йилликни амалга оширамиз!»—Куйбишев район меҳнаткашлари шундай шиор билан майдондан ўтадилар.

«Ташсельмаш» чилар юбилей йилида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Республика деҳқонлари бу корхона ишчи ва хизматчиларининг меҳнатини юксак баҳолайдилар.

Майдонга уч оқим бўйлаб Фрунзе, Киров ва Чилонзор районлари меҳнаткашларининг колонналари кириб келади. Колонналар узра байроқлар хилпирайди. Бутун майдон лолазорга ўхшайди.

Тўқимачилар майдондан ўтиб бормоқдалар. Улар ишлаб чиқарадиган газламани жаҳондаги кўпгина мамлакатларда билишади.Юбилей йилида Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчилари газламаларнинг кўплаб янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Киров районининг намойишчилари рангли панноларни олиб ўтмоқдалар. «1917—1940 йиллар» деб аталган паннони революция ветеранлари, «1941—1945 йиллар» деб аталган паннони Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, «1945—1967 йиллар» деб аталган паннони энг навқирон авлод—пионерлар олиб ўтадилар. Улардан сўнг майдондан КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоларининг портретларини кўтариб коммунистик меҳнат зарбдорлари ўтадилар.

Чилонзор районининг байрам колоннаси кўкўпар уй макетини олиб ўтадилар. Район меҳнаткашлари СССР ва барча иттифоқчи республиканинг давлат байроқлари, район манзаралари акс этган йирик фотосуратларни кўтариб олишган.

Минбардагилар майдондан ўтаётган Октябрь тенгдошлари райондаги завод ва фабрикаларнинг илғорларидан 150 кишини қизғин табриклайдилар.

Минбар олдидан бинокорлар ўтмоқдалар. Тошкентга ёрдам кўрсатиш учун келган қурувчиларни ҳамма қизғин табриклайди. В. И. Ленин номли майдондан Украина, Москва ва Ленинград шаҳарлари, «Росташстрой» трести бинокорлари ўтадилар...

Меҳнаткашлар намойишидан сўнг ёшлик ва гўзаллик байрами катта спорт байрами бўлиб ўтди.

В. И. Ленин номли майдондан бир неча соат мобайнида бахтиёр, қувноқ кишилар оқими ўз бахтини, истиқболини қўшиқ қилиб куйлаб ўтди. Ҳарбий парад ва пойтахт меҳнаткашлари вакилларининг байрам намойиши халқимиз бунёдкор, яратувчилик қудратининг кўрингига, унинг Ленин партияси ишига, коммунизм ишига чексиз садоқатига ёрқин намойиш бўлди.


Э. МЕЛИКСЕТОВ,
Т. АВАЗОВ,
(махсус мухбирларимиз).





Тошкентда ҳарбий парад

М. Нуриддинов фотолари.



Тошкентда Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлис залида.
И. Глауберзон фотоси.

ГУЛЧАМБАР ҚЎЙИЛДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари 6 ноябрда В. И. Ленин мавзолейига бордилар ва гулчамбарлар қўйдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан гулчамбарлар қўйилди.

Гулчамбарлар қўйган вақтда Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ва бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари йўлбошчи ва устоз, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси, Совет ҳукуматининг ташкилотчиси ва раҳбари Владимир Ильич Ленин хотирасини бир минут сукут қилиб эсладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари шу куни Номаълум солдат қабри ёнига ҳам бордилар ва КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан гулчамбарлар қўйдилар. Улар, Совет Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини фидо қилган Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг хотирасини бир минут сукут қилиб эсга олдилар.

(ТАСС).

ЛЕНИН ШАҲРИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

ЛЕНИНГРАД, 6 ноябрь. (ТАСС). Ленин шаҳрида бундан ярим аср муқаддам Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошланган эди. Октябрь идеялари инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди, планетанинг барча қитъаларида озодлик, демократия ва социализм курашчилари учун йўлчи юлдуз бўлиб қолди.

Социалистик революция ғалаба қозонган шаҳарда ҳамма нарса Улуғ Октябрни эслатади. Афсонавий «Аврора» ҳам бундан ярим аср илгаридек собиқ Николай кўприги ёнида ўз революцион постида турибди.

Улуғ Ленин шаҳри янги улкан концерт залига Октябрь номи берди. Кеча бу ерда КПСС Ленинград область ва шаҳар комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг Октябрь революцияси қатнашчилари, меҳнаткашлар жамоат ташкилотлари, армия ва флот вакиллари билан биргаликда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни, шунингдек Франция, Испания, Марокаш Мексика Коммунистик партиялари делегацияларини аъзоларини, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти делегацияси аъзоларини ва Октябрь шаҳрининг Гданск, Дрезден ва бошқа шаҳарлардан келган меҳмонларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Тўпланганлар баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини фахрий президиумга сайладилар.

Раислик қилувчи СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Ленинград шаҳрини Октябрь революцияси ордени билан мукофотланганлигини эълон қилади. Залдагилар бу сўзларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб оладилар. Залга марш садолари остида байроқдорлар колоннаси кириб келади. Иштаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик илғорлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Ленин ва давлат мукофотларининг лауреатлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Улуғ Октябрь шарафига бошланган социалистик мусобақада ленинградликлар қўлга киритган ўсдалик байроқларини кўтариб кирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга сўз берилади.

Шу кунларда, деди Л. И. Брежнев, бутун совет халқи зўр шодлик ва беқиёс маънавий завқ-шавқ туйғулари билан тўлиб тошган. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли санаси — 1967 йил 7 ноябрь, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ярим асрлик юбилейи яқинлашиб келмоқда.

Бизнинг юбилейимиз совет кишиларининг ўзигагина азиз эмас. Чунки бу юбилей ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи давлати, инсонни-инсон эксплуатация қилиши абадий тугатилган биринчи давлатнинг, бошқа мамлакатлар ва халқларга социалистик келажак йўлини кўрсатиб берган давлатнинг туғилган кунидир. Шу сабабдан ҳам Октябрнинг 50 йиллигини биз билан бирга бошқа мамлакатлардаги миллион-миллион дўстларимиз ўзларининг катта байрамларидек нишонламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Л. И. Брежнев йиғилишда ҳозир бўлганларни ва Ленинградниг бутун аҳолисини келаётган юбилей — Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги билан сидқидилдан табриклади.

Кеча Москвада, деди сўзини давом эттириб Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва Россия Федерацияси Олий Советининг улуғ айёмга бағишланган тантанали мажлиси тамом бўлди. Мажлисда қардош социалистик мамлакатларнинг ва дунёдаги кўпчилик коммунистик партияларнинг раҳбар арбоблари, яқиндагина мустамлакачилик зулмидан озод бўлган давлатларнинг делегациялари қатнашдилар. Меҳмонларимизнинг нутқлари Кремлнинг Съездлар саройида революцион интернационализм гимни бўлиб янгради. Улар совет халқининг ва унинг Коммунистик партиясининг жасорати тўғрисида, жаҳон узра социализм байроғини кўтарган Ленин Ватани тўғрисида тўлқинланиб гапиришди. Улар бизнинг ленинчи партиямиз, совет халқимиз пролетар интернационализмининг олижаноб принципига ҳамиша содиқ эканликлари ҳақида, Советлар мамлакати ҳамиша тинчлик, озодлик ва тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг суянган тоғи бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлиги тўғрисида гапирдилар.

Улуғ революция йилномаси Питер пролетарлари ва Балтика матросларининг, Москва, Иваново-Вознисенск, Минск, Луганск ишчиларининг, Урал ва Сибирь меҳнаткашларининг ҳамда революция бутун мамлакат бўйлаб зафарли юриш қилган кезларда дастлабки галабалар қўлга киритилган мамлакат бошқа районлари меҳнаткашларининг мислсиз довюраклиги ва матонати хотирасини абадий сақлайди.

Ўша унутилмас йиллар қаҳрамонона зафарномасининг актив қатнашчилари — Октябрь революцияси ва граждан уруши қатнашчилари ҳозир шу ерда ўтиришибди. Ана шу тантанали кунларда шонли революция ветеранлари гвардиясини чин қўнгилдан табриклаймиз ва қутлаймиз.

Тинч социалистик қурилишда ҳам, уруш даврининг қаттиқ синов кунларида ҳам ленинградликлар ўзларининг революцион бурчларини доимо шараф билан бажариб келдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида ленинградликлар кўрсатган мислсиз сабр-матонат, жасорат ва довюраклик жаҳон халқларини ларзага солди десак бўлади. Ленин шаҳри бутун совет Ватанининг қудратли мадади билан шафқатсиз ва кучли душманга қарши ҳаётмамот жангида енгиб чиқди, жуда оғир блокада синовларига бардош берди.

Аввалари—дастлабки беш йилликлар ва урушдан кейинги қайта тикланиш йилларида ҳам, ҳозир ҳам — Ленинград халқимизнинг улуғ ишларига катта ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимиз завод ва фабрикаларининг, колхоз ва совхоз далаларининг меҳнатчилари Октябрнинг ярим асрлик юбилейини шавқатли ишлар билан кутиб олмоқдалар. Ҳамиша бўлганидек, бу сафар ҳам ленинградликлар илғорлар қаторида боришмоқда.

Кеча, деди сўзини давом эттириб Л. И. Брежнев, мамлакатга янги хушхабар ёйилди: Революция ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашдаги зўр хизматлари учун, Совет давлатининг душманларига қарши олиб борилган жангларидаги мардлиги ва қаҳрамонлиги учун, тинч меҳнатдаги коммунизм қуришдаги муваффақиятлари учун революция бешиги—Ленинград билан Ватанимиз пойтахти — Москва биринчи бўлиб эндигина янги таъсис этилган Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди. Ишонч билан айтиш мумкинки, барча совет кишилари ленинградликлар билан москвалликларнинг халқ ва революция олдидаги хизматларини ҳаққоний тақдирловчи бу қарорни чин кўнгилдан табриклайдилар.

Ленинград мукофотланди — деман Ленин шаҳрининг шонли ишчилар синфи, унинг сон-саноқсиз техника зиёлилари, атоқли фан, маданият ва санъат арбоблари, партия ва совет аппаратининг ходимлари, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари, —хуллас сизларнинг гўзал шаҳрингизда яшаб, меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси мукофотланди. Бугун азиз ленинградлик ўртоқлар ҳузурига келиб, сизларни ва Ленин шаҳрининг бутун аҳолисини Ватаннинг янги юксак мукофоти билан қизғин, чин қалбдан табриклаётганлигимиз билан сизларга меҳмон бўлиб келган Николай Викторович Подгорний, Алексей Николаевич Косигин ва мен гоят мамнунмиз.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Ленин шаҳри меҳнаткашларига табригини ўқиб берди.

Табрикни ўқиш давомида залда бир неча марта гулдурос қарсаклар янграб турди. Ленинград вакиллари улар номига йўлланган ушбу табрик учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний сўзга чиқади. У Ленин шаҳрини Октябрь революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшитиради. У давомли қарсаклар остида Ленинград байроғига орденни тақиб қўяди.

Сўнгра Ленинград меҳнаткашларининг вакиллари, чет эллардан келган меҳмонлар сўзга чиқадилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Совети номига табрикнома қабул қиладилар.

* * *

5 ноябрда КПСС Ленинград область ва шаҳар комитетлари, область ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига Таврида саройида қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний ўртоқлар, Франция, Испания, Марокаш, Мексика қардош коммунистик партияларининг делегациялари, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти делегацияси, бошқа чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида тўпланганлар томонидан илиқ кутиб олинган ўртоқ А. Н. Косигин сўзга чиқди. У Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва Совет ҳукумати номидан ленинградликларни ва чет эллик меҳмонларни барча меҳнаткашларнинг улуғ байрами — Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва Ленинград шаҳрига Октябрь революцияси ордени берилганлиги билан табриклади.

А. Н. Косигин сўзининг охирида улуғ Ленин партиясининг жангговар отряди — Ленинград коммунистлари шарафига, Ленинграднинг шонли ишчилар синфи ва совет интеллигенцияси шарафига, ишчилар, колхозчилар шарафига, зиёлилар шарафига синфсиз коммунистик жамият қураётган бутун улуғ совет халқи шарафига табрик хитоблари айтди.

Л. И. БРЕЖНЕВ, А. Н. КОСИГИН ВА Н. В. ПОДГОРНИЙ ЎРТОҚЛАР МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишлаб Ленинградда ўтказилган тантаналарда иштирок этган Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний ўртоқлар 6 ноябрда Москвага қайтиб келишди.

(ТАСС).

ТУҒИЛГАН КУНИНГ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАН!

Совет мамлакати олтин куз палласида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини нишонламоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ана шу жаҳоншумул-тарихий санани барча совет кишилари билан биргаликда шодиёна байрам қилмоқдалар. Улуғ Октябрь республикамизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун, буюк социалистик ўзгаришлар учун кенг йўл очиб берди.

6 ноябрда Тошкентдаги Санъат саройида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари аъзолари, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область ва шаҳар Советлари депутатларининг иштироки билан Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Сарой зали республиканинг доңгдор кишилари билан тўлган эди. Революция гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветеранлари Ўзбекистон партия ва совет ташкилотлари, республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари, министрлар фан ва маданиятнинг атоқли арбоблари, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг вакиллари бу ерга келишди.

...Эрталаб соат 11. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, Н. Г. Ляшченко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. Абдураззоков, С. Р. Расулов, М. Турсунов лар мажлис президиумидан жой олдилар. Улар билан бирга Октябрь революцияси ва граждан уруши нинг актив қатнашчилари, юбилей тантаналарида қатнашиш учун Москва ва Ленинграддан келган меҳмонлар болгариялик дўстлар ҳам президиумга чиқадилар.

Тантанали мажлисни республика Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова очади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини тантанали мажлиснинг фахрий президиумига сайлашни таклиф қилганида залда гулдурос қарсаклар узоқ давом этади.

Қўш Ленин орденли Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг байроғини сахнага олиб чиқиш маросимини бутун залда гилар ўринларидан туриб кутиб оладилар. Коммунистик партия нинг ветеранлари байроқни кўтариб келиш шарафига муяссар бўлдилар.

Доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади.

Энг нуроний, энг шодиёна байрам — Октябрь социалистик революциясининг, инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг емирилиш ва коммунизмнинг қарор топиш даврини очиб берган революциянинг 50 йиллиги Ватанимизнинг бепоён ерларида, дейди Ўрток Рашидов, бутун планетамизда бугун тантана билан нишонланмоқда. Октябрнинг 50 йиллиги — Маркс, Энгельс, Ленин ўлмас таълимоти тантанасининг улуғ байрамидир. Октябрнинг эллик йиллиги — социалистик ўзгаришларнинг, мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий сохада эришилган жуда катта ютукларнинг шонли якунидир.

Докладчи Совет Иттифоқининг коммунистик қурилишда эришган муваффақиятларига батафсил тўхталиб ўтади. Сўнгра Ўрток Рашидов айтадики, социал структураси ва синфий етуклиги жиҳатидан иқтисодий тараққиёт даражаси ва маиший шароитлари, шунингдек тил, урф-одат ва эътиқоди жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган кўп миллатли мамлакатда социализм ғалабасининг таъмин этилган итти Октябрь социалистик революциясининг жуда катта ютуғи партиямизнинг тарихий хизмати дир.

Октябрь революциясининг ғалабаси, Коммунистик партия доно сиёсатининг, социализм қурилишидан иборат ленинча планнини амалга оширилиши туфайли мамлакатимиздаги бошқа халқлар каби Ўзбек халқи ҳам капиталистик эксплуатация дахшатларидан империалистик монополияларнинг талончилиги, кашшоқлик ва асоратдан халос бўлди. Ўзбек халқи совет халқларининг тенг ҳуқуқли оиласида ўзининг чинакам бахтини топди. Бу бахт Ўзбекистон меҳнаткашлари билан Россия пролетариатининг чор самодержавиесига ва маҳаллий феодалларга қарши Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун, социализм ғалабаси учун биргаликда олиб борган курашида кўлга киритилди. Ўзбекистон қисқа вақт ичида ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда олға қараб жуда катта қадам қўйдики, тарих хали бундай ҳодисани кўрмаган эди. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг донолиги, бу сиёсатнинг буюдқорлик ва ўзгартувчи кучи Ўзбекистоннинг буюк муваффақиятларида яққол кўриниб турибди.

Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам саноатнинг бутун Иттифоқдаги ўртача даражасига нисбатан тезрок суръатлар билан ривожланиши таъмин этилди. Бизда оғир индустрия тармокларининг корхоналари айниқса тез суръатлар билан ривожланди.

Ўзбекистон ялпи саноат маҳсулотининг ўсиш суръатлари жиҳатидан Шарқдаги қўшни давлатлардангина эмас, балки Ғарбий Европанинг юксак даражада тараккий этган капиталистик мамлакатларидан хам ўсиб кетди. Бизнинг республикамизда саноат ишлаб чиқариши 1924 йилдагига нисбатан 85 барабар кўпайди. Кейинги 8 йил ичидагина иккинчи саноат Ўзбекистони вужудга келтирилди. Хозирги вактда республика халқ хўжалигининг маҳсулотлари жахоннинг 91 мамлакатига юборилмоқда. Ўзбекистон экспорт қилинаётган товарларнинг умумий киммати жиҳатидан Совет Иттифокида Россия Федерациясидан кейин иккинчи ўринда турибди.

Ўрток Рашидов таъкидлаб айтадики, республика саноатининг ўр бериб ривожланиши Ўзбекистоннинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Янги саноат тармоқларигина эмас, балки бутун-бутун замонавий шаҳарлар ҳам вужудга келди. Бу шаҳарлар экономика фан ва маданиятнинг йирик марказларига айланди. Эски шаҳарларнинг ҳам қиёфаси бутунлай бошқача бўлиб қолди, бу шаҳарлар совет даврида кенгайиб, кўркамлашиб навқирон бўлиб қолди.

Совет ҳокимияти йилларида қишлокни социалистик негизда қайтадан қуриш ва республиканинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кескин суратда юксалтириш йўлида хақиқатан ҳам жаҳоншумул тарихий муваффақиятларга эришилди. Қишлоқ ерларининг қиёфаси мақсадга мувофиқ ва планли суратда ўзгартирилди. Ер ислоҳоти, ленинча кооператив планнинг амалга оширилиши, суғориш, механизация, химиялаштириш ишларининг кенг ривожлантирилиши кейин иккинчи ўринда турибди.

(Давоми 3-бетда)

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, армия ва Флот жангчилари инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг емирилиши ва коммунизм тантанаси даврини очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали байрам қилмоқдалар. Қардош социалистик мамлакатлар, бутун илғор инсоният бу шонли санани бизнинг мамлакатимиз билан бирга кенг нишонламоқда.

Ватанимиз Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини моддий ва маънавий кучлари барқ уриб яшнаган ҳолда кутиб олмоқда. Партия XXIII съездининг тарихий қарорлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Юбилей йили янги жўшқин сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати билан, совет экономикасини янада такомиллаштирди, фан, техника ва маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашлар турмуш даражасини ошириш билан нишонланди.

Совет Иттифоқининг коммунизм қуришдаги улкан муваффақиятлари, унинг тинчликсевар ташқи сиёсати бутун дунё халқларининг таҳсинига ва мададига сазовор бўлиб, халқаро реакциянинг нафрати ва газабини қўзғатмоқда. Советлар мамлакатининг душманлари Совет давлатини бўғиб ташлашга неча марталаб уринибб кўрдилар. Улар ҳозир ҳам социал тараққиёт йўлидан бораётган халқлар ҳаракатига ҳалақит беришга жон жаҳдлари билан интилмоқдалар.

АҚШ империалистлари ва уларнинг гумаштаалари Вьетнамдаги босқинчилик урушини кенгайтирмоқдалар, Исроил агрессорларига ҳомийлик қилмоқдалар, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига сурбетлик билан аралашмоқдалар.

Европа чегараларини қайта қуриб чиқишга ошкора даъват қилаётган, ядро қуролига кўл чўзаётган Ғарбий Германия реваншчиларининг сиёсати тинчлик ишига жиддий хавф солмоқда.

Совет халқи, Армия ва Флот жангчилари ҳушёрликни оширишлари, социалистик Ватан ҳимоясига доим тайёр бўлиб туришлари лозим.

СССР Қуролли Кучлари ўзларининг шон-шуҳратларга бурканган жанговар байроқларини шараф билан кўтариб боришдалар. Улар душманларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини қатъий туриб ҳимоя қилиб қолдилар, Европа ва Осиёдаги кўпгина халқларни фашистлар асоратидан қутқардилар, совет халқининг, бутун дунё меҳнаткашларининг меҳр-муҳаббати ва иззат-ҳурматига сазовор бўлдилар.

Коммунистик партия ва ўз халқига чексиз садоқатли армия ва флот жангчилари халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатини серган бўлиб қўриқлаб турибдилар, қардош социалистик мамлакатлар армиялари билан жанговар ҳамдўстликни мустаҳкамламоқдалар, ҳар дамда Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга шай бўлиб турибдилар.

Солдат, матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги билан табриклайман ҳамда жанговар ва сиёсий тайёргарлигда, қарбий маҳоратингизни такомиллаштиришда янги муваффақиятлар тилайман.

Улуғ Октябрнинг ярим асрлик юбилейини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:

Бугун, 7 ноябрь, соат 21 дан 45 минут ўтганда Ватанимиз пойтахти Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада, қаҳрамон Брест қалъасида тўплардан бир йўла эллик марта ўқ отиб салют берилсин.

Яшасин қудратли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин Улуғ совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Зафарли пролетар революциясининг йўлбошчиси, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ
СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ
А. ГРЕЧКО.

1967 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ. № 285 МОСКВА ШАҲРИ

ТУҒИЛГАН КУНИНГ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАН!

(Боши иккинчи бетда).

ва деҳқончилик маданиятининг ҳар томонлама юксалтирилиши бу соҳада ҳал қилувчи роль ўйнади.

Республика асосий экин — пахта етиштиришнинг Совет ҳокимияти йилларида 8 баравар ортганлиги Ўзбекистон кишлоқларида революцион ўзгаришлар кенг кўламда амалга оширилганлигини кўрсатади. Хозирги вактда Ўзбекистон Бутуниттифокда етиштирилаётган пахтанинг сал кам 70 процентини тайёрлаб бермокда.

Ўзбекистон Совет Иттифокининг асосий пахта базаси бўлиши билан бирга мамлакатимизда пилла, коракўл тери ва луб экинлари етиштириш сохасида ҳам биринчи ўринни эгаллайди. Бизда дон экинлари, хусусан шоли, мева ва узум, шунингдек сабзавот, полиз экинлари ва чорвачилик махсулотлари етиштириш йил сайин ортиб бормокда.

Ўзбекистон халкларининг ўтмишдаги колоклигини тугатиш сохасидаги кизгин ишлар чинакам маданий революция билан бирга кўшиб олиб борилди. Умумий таълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўкув юртлари сони йил сайин кўпайди. Ўзбекистон Совет Шаркининг энг йирик илмий марказларидан бири бўлиб колди. Бу — Ленин режаларининг тантана килганлигини исбот этувчи яна бир далилдир. Бу — Октябрнинг буюк галабаларидан биридир.

Докладчи республикада матбуот, радио ва телевиденениенинг ривожланиши масалаларига батафсил тўхталиб ўтади. Совет ҳокимияти йилларида янги, мазмунан социалистик адабиёт ва санъат барк уриб ўсганлигини таъкидлайди. Жуда кўп маданий-окартув муассасалари — маданият саройлари, кутубхоналар, клублар, музейлар, маданият ва истирохат боглари меҳнаткашларга хизмат килмокда.

Республика экономикаси ва маънавий бойлигининг равнак топганлиги меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини тўхтовсиз юксалтиришни таъминлайди.

Бошқа ҳамма қардош совет республикалари каби Ўзбекистоннинг тарихий тажрибаси ҳам партиянинг ленинча миллий сиёсати тантанаси туфайли, халклар дўстлиги ва қардошлиги идеологияси туфайлигина республикамизнинг ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эриша олганлигини аққол исбот қилади.

1966 йил 26 апредлаги зилзилалан кейин Тошкент бошига тушган оғир кунларда совет халклари дўстлиги ва қардошлигининг кудратли кучини жуда яккол кўрдик. Бутун мамлакат Тошкентга кўмак бера бошлади. барча қардош республикалар табиий офат окибатларини тугатишда, шаҳарни тиклаш ва янги Тошкентни барпо этишда ёрдамга келишди.

Тошкент тамомила янгидан қурилиб бўладиган вақт яқин қолди. Тошкент обод, янада кўркам шаҳарга айланади ва СССР халклари дўстлигининг абадий улуғвор ёдгорлиги бўлиб қолади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Ленин партиясининг жанговар отрядларидан биридир. Ўзбекистон Коммунистик партияси республикамиздаги янги ҳаёт қурилишида жуда катта роль ўйнамокда. Ўзбекистон Компартияси революциянинг ғалабаси учун олиб борилган синфий жангларда, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, социализм қуриш учун курашда ўсди ва мустаҳкамланди. Ўзбекистон коммунистлари улуғ Ленининг байрогига ҳамиша содиқ бўлиб келдилар ва содиқ бўлиб қоладилар. Ленин партиясининг аъзоси деган номни баланд кўтариб борадилар!

Ҳозирги юбилей йили совет халқининг меҳнат зафарлари йилномасида жуда муҳим ўрин олади. Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ҳам ўз бурчларини яхши англаб, шонли юбилейни катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Республика саноатининг ходимлари ўн ойлик планни муддатидан илгари, 24 октябрда бажардилар. Бинокорларимиз фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Транспорт ва алоқа ходимлари байрамни катта муваффақиятлар билан нишонламоқдалар.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Ватанимизни ажойиб муваффақиятлар билан хурсанд қилдилар. Республикамиз пахта тайёрлаш давлат планини шараф билан бажарди. Пахтакорлар ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятни яқин кунларда адо қиладилар. Мамлакат Ўзбекистондан камида тўрт миллион тонна пахта олади. Бу йил республика механизаторлари жуда яхши меҳнат қилдилар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиб, пахтани машинада териш юзасидан юбилей йилида олган мажбуриятларини бажардилар. Бу йил республикада биринчи марта 1.5 миллион тонна пахта ёки бутун ҳосилнинг 40 проценти машинада териб олинди.

Ўртоқ Рашидов ўз докладининг охирида республиканинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетини ишончиб қўйидагиларни айтади: Совет Ўзбекистонининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари жонажон партия ғеварагига янада маҳкам жипслашадилар, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун янада зўр гайрат билан меҳнат қиладилар.

Раислик қилувчи шонли большевистик Гвардиянинг вакиллари Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашнинг актив иштирокчилари тантанали мажлис қатнашчиларини табриклаш учун келганликларини айтганда гулдурос қарсаклар бошланди. СССР халқ артисти Комил Ёрматов Октябрь ветеранлари номидан гапиради.

Болгария Халқ Республикаси Хасково округ делегациясининг раҳбари, Болгария Компартияси Хасково округ комитетининг биринчи секретари Болгария Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Г. Н. Корцанов минбарга чиқади. Г. Н. Корцанов ўз мамлакати меҳнаткашлари номидан гапириб Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришишларини чин кўнгилдан тилайди. Ўртоқ Корцанов гулдурос қарсаклар остида В. И. Ленининг портретини республикага тухфа қилади ва Хасково округининг раҳбар органлари Тошкент шаҳрида дўстлик уйи ва мактаб биносини қуришга қарор берганликларини айтади.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводи электр слесарлари бригадасининг бошлиги Н. М. Железнов, Қорақалпогистон АССР Тахтакўпир районидаги Калинин номли совхознинг звено бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Г. Мирзамбетова, республика Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Н. Қориниёзов тантанали мажлис қатнашчиларини байрам билан самимий табриклайдилар.

Коммунизмнинг ёш бинокорлари — октябрятлар, пионерлар ва комсомоллар мажлис аҳлини қизгин табриклайдилар. Ёшларнинг Коммунистик партия улуғ ишига садоқати тўғрисидаги қасамёди тантанавор жарангланди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Абдуллаева муътабар минбардан туриб ана шу қасамномани ўқиб беради.

Совет Ватани жанубий чегараларининг шонли ҳимоячилари — Туркистон ҳарбий округининг жангчилари залга кириб келадилар. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Н. Г. Ляшченко табрик нутқи сўзлайди.

Раислик қилувчи социалистик экономика ва маданиятни ривожлантиришда қилган хизматлари учун Ўзбекистон ССР ва Тошкент области Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллиги шарафига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғи билан Тошкент шаҳри эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Эсдалик байроғи билан мукофотланганлиги гўғрисидаги ҳуш хабарни эшиттирганида яна гулдурос қарсаклар бошланади. Эсдалик байроқлари тантанали вазиятда сарой сахнасида республика байроғи билан бир каторга қўйилади.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов ва Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Раислик қилувчи социалистик экономика ва маданиятни ривожлантиришда қилган хизматлари учун Ўзбекистон ССР ва Тошкент области Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллиги шарафига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғи билан Тошкент шаҳри эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Эсдалик байроғи билан мукофотланганлиги гўғрисидаги ҳуш хабарни эшиттирганида яна гулдурос қарсаклар бошланади. Эсдалик байроқлари тантанали вазиятда сарой сахнасида республика байроғи билан бир каторга қўйилади.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов ва Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Ш. Р. Рашидов берилган юксак баҳо учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ва Министрлар Совети номидан, тантанали мажлис қатнашчилари ва республиканинг барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСга самимий ташаккур изҳор қилади. Меҳнат шавкати ва қаҳрамонлиги рамзи бўлган Эсдалик Қизил байроғи республиканинг барча меҳнаткашларини Ватаннинг шоншуҳратини йўлида, коммунизм тантанаси йўлида янги жасорат ва янги зафарларга илҳомлантиради.

Тантанали мажлис қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома қабул қиладилар.

Совет давлатининг ярим асрлик юбилейига бағишланган тантанали мажлис ёпиқ деб эълон қилинади. Партия гимни «Интернационал»нинг улуғвор садолари янграйди.

* * *

Тантанали мажлис қатнашчилари учун кечқурун катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги байрами муносабати билан 6 ноябрда қабул маросими ўтказдилар. (ЎзТАГ).

МОСКВАДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

МОСКВА, 6 ноябрь. (ТАСС). Бугун Кремлдаги Съездлар сароийда Москва шаҳар ва область партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар ва область Советларининг жамоат ташкилотлари, пойтахт ва область меҳнаткашлари ҳамда Совет Армияси вакиллари иштироки билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, социалистик мамлакатлар партия-ҳукумат делегациялари, қардош коммунистик ва ишчи партиялар делегацияларининг бошлиқлари, партия ветеранлари президиумга чиққанларида мажлис аҳли уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олади. Залда халқаро демократик ташкилотлар ва миллий-демократик партияларнинг делегациялари, баъзи дўст мамлакатлар давлат ва ҳукуматларининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин очди.

Бу ерда ҳозир бўлган кишилар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроқларини ўринларидан туриб кутиб олдилар. Москва шаҳри ва Москва области шу байроқлар билан мукофотланган эди.

Партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан табриклаш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косыгинга сўз берилади.

А. Н. Косыгиннинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиумининг Москва шаҳрини Октябрь революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб беради. Н. В. Подгорний гулдурос қарсаклар остида ордени қаҳрамон шаҳар байроғига қадаб қўяди.

Владимир Ильич номли завод слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. А. Антонов пойтахт ишчилари номидан, «Приокский» совхозининг сут согувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. В. Нартова Москва областининг қишлоқ хўжалик ходимлари номидан, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг ректори, академик И. Г. Петровский, 1904 йилдан КПСС аъзоси Л. А. Фотиева пойтахт зиёлилари номидан, ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. П. Трушин Москва шаҳар ва областининг комсомоллари ва ёшлари номидан нутқ сўзладилар. Улар ўз нутқларида Москвани Октябрь революцияси ордени билан мукофотлаганликлари учун Коммунистик партияга, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари Луи Сайян, Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Костас Колиянис, Австрия Коммунистик партиясининг раиси Франц Мури, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Холид Багдаш табрик нутқлари сўзладилар.

Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари Алваро Куньял, Австралия Коммунистик партиясининг миллий секретари Лори Аароно, Бельгия Коммунистик партиясининг раиси Эрнест Бюрнель ва бошқалар ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шаънига, Ватанимиз меҳнаткашлари шаънига табрик нутқлари сўзладилар.

Москва шаҳри ва областининг ёш пионерлари мажлис аҳлини табрикладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

ЛОВУЛЛА, РЕВОЛЮЦИЯНИНГ АБАДИЙ ГУЛХАНИ!

5 ноябрда қаҳрамон шаҳар Ленинград меҳнаткашларининг вакиллари Марс майдонига келишди. Майдон марказида революционер қаҳрамонларга ёдгорлик ўрнатилган.

Қардошлар мозори олдида фахрий ҳарбий қоровул саф тортади.

КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. И. Попов тантанали мотам маросимини очади. У революция солдатлари ўз ҳаётини қурбон қилган улуғ ишнинг барҳаётлиги тўғрисида гапиради. Тўпланганлар қаҳрамонлар хотирасини бир минут сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга оладилар.

«Интернационал» куйи янграйди. Пролетар гимни садолари артиллерия салютига қўшилиб кетади.

Гулчамбарлар қўйиш маросими бошланади.

Л. И. Брежнев А. Н. Косыгин, Н. В. Подгорний ўртоқлар КПСС Марказий Комитети СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан гранит плиталар ёнига гулчамбарлар қўядилар.

... Гранит плиталар устига партия ветеранлари, Октябрь штурми қатнашчилари, гражданлар уруши қаҳрамонларидан, КПСС Ленинград область комитети ва шаҳар комитети, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларидан, Ленинград ҳарбий округидан, ВЛКСМ Ленинград область комитети ва шаҳар комитетидан, ғарби-шимолий округ чегарачилари, касаба союзлар область совети, Ленинград ҳарбий денгиз базаси денгизчиларидан гулчамбарлар қўйилди.

Франция, Испания, Марокаш, Мексика Коммунистик партиялари, Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти вакиллари ер юзида Ленин ғоялари тантана қилиши учун жанг қилган кишилар хотирасини ҳурмат ва эҳтиром билан эсга олдилар.

Тантанали маросим тамом бўлади. Гранит девэрлар ёнидан шаҳдам қадам ташлаб батальонлар ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан адабиёт, санъат, архитектура ҳамда фан ва техника соҳасидаги асарларни, илмий ишларни рағбатлантириш мақсадида 1967 йилда Ўзбекистон ССРнинг Давлат мукофотларининг сони ҳар бири олтитагача кўпайтирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги асарларга Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари комитети томонидан тақдим этилган адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги асарларни кўриб чиқиб, қарор қиладилар.

Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номидаги Давлат мукофоти 1967 йилда энг муҳим асарларга берилади.

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

Ўзбекистон ССР халқ шоири **Отақўзиев Раҳматулла (Уйғун)**га — Уч томлик танланган асарлари, «Ҳаёт чорлайди» ва «Қалбимда баҳор» шеърлар тўпламлари учун;

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, драматург **Нуъмонов Комил (Яшин)**га — «Йўлчи Юлдуз», «Нурхон» пьесалари учун.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Аҳмедов Раҳимга** — Замондошлар портретлари сериями учун.

ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ ҲАМДА КОНЦЕРТ ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

СССР халқ артистлари **Хўжаев Олим, Эшонтураева Сора, Раҳимов Наби,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Абдуллаева Яйра, Табибуллаев Саъди** ва **Ладигин Н. В.**га — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида В. Шекспирнинг «Қирол Лир» спектакли учун.

СССР халқ артисти **Ёрматов Комилга** — «Осиё устида бўрон» кинофильми учун.

СССР халқ артисти **Турғунбоева Мукаррамага** — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамблида юбилейга бағишланган хореографик концерт номерларини тайёрлаганлиги учун.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Фан ва техника соҳасида Ўзбекистон ССРнинг Беруний номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида

Беруний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари комитети тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

Фан ва техника соҳасидаги энг муҳим асарлар учун 1967 йилги Беруний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. **Ўрозбоев М. Т.** — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги — «Материаллар қаршилиги» дарслигини яратганлиги учун.

2. **Саримсоқов Т. А.** — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, **Болтянский В. Г.** — физика-математика фанлари доктори, **Антоновский М. Я.** — «Бульнинг топологик алгебраси» монографияси учун.

3. **Юнусов С. Ю.** — СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, иш раҳбари. **Йўлдошев Т. Х.** — химия фанлари доктори, **Абдуазимов Х. А.** — химия фанлари кандидати, **Султонов М. Б.** — медицина фанлари кандидати, **Короткова Е. Е.** — биология фанлари кандидати, **Абубакиров Н. К.** — химия фанлари доктори, **Масленникова В. А., Шокиров Т. Т.** — химия фанлари кандидатлари — ўнта препаратни яратиб, уларни медицина практикасига жорий қилганликлари учун.

4. **Благовещенский А. В.** — биология фанлари доктори, **Раҳмонов Р. Р.** — биология фанлари кандидати — физиология-биохимия жараёнларига қаҳрабо кислотаси таъсирининг назарий асосларини ва чигит унишини жадаллаштирувчи методларни ишлаб чиққанликлари учун.

5. **Мўминов И. М.** — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, иш раҳбари. **Оқилов К. А.** — тарих фанлари кандидати, **Аминова Р. Х.** — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, **Охунова М. А., Саломов Д. К., Тетенова Л. Г., Шаповаленко В. И. Япишина А. Ф.** — тарих фанлари кандидатлари — уч томлик «Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи» монографияси учун.

6. **Спиридонов П. В.** — техника фанлари кандидати, иш раҳбари, **Соколов Ф. А.** — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, **Мартинов А. Н.** — лаборатория раҳбари, **Амплевская С. В.** — техника фанлари кандидати — сугориладиган зона деҳқончилигини комплекс механизацияловчи машиналар системасини яратганликлари учун.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

М. Горький номидаги Давлат рус драматик театрига «Академик театр» номини бериш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссасини ҳисобга олиб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг таклифини инобатга олиб М. Горький номидаги Давлат рус драма театрига «Академик театр» номини беришга қарор қилди. Театр энди М. Горький номидаги Давлат рус академик драма театри деб аталади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КОНКУРС ЯКУНЛАРИ ЮЗАСИДАН АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРАНИНГ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАРИГА МУКОФОТЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган республика конкурси жюрисининг тақдимномасини қараб чиқиб, республика мукофотларини қуйидагиларга беришга **қарор қилади:**

I. Бадиий адабиётнинг энг яхши асарлари учун

а) катта ҳажмдаги асарлар:

Иккинчи мукофотлар — ҳар бири 2000 сўм:

Саид Аҳмадга — «Уфқ» романи учун;

С. О. Азимовга — «Ҳамид Олимжон ижоди» монографияси учун.

Учинчи мукофотлар — ҳар бири 1500 сўм:

Асқад Мухторга — «Давр менинг тақдиримда» романи учун;

Шукруллога — «Тошкент, йигирма олти» поэмаси учун;

б) кичик ҳажмдаги асарлар:

Биринчи мукофот — 1000 сўм:

Қуддус Муҳаммадийга — болалар учун ёзилган «Доно бобо ва унинг набиралари» ҳамда «Қанотли дўстлар» тўплами учун.

Иккинчи мукофот — 750 сўм:

Миртемирга — «Ленин табассуми» шеърлар тўплами учун.

Учинчи мукофот — 500 сўм:

Адҳам Раҳматга — «Окопдан овозлар», «Брест ҳикоялари» очерклари учун.

II. Музика санъатининг энг яхши асарлари учун

а) катта ҳажмдаги асарлар:

Иккинчи мукофот — 2000 сўм:

Мутал Бурхоновга — «Самолётлар кўна олмади» кинофильмига ёзилган симфоник сюита учун;

Учинчи мукофотлар — ҳар бири 1500 сўм:

Икром Акбаровга — «Тошкентнома» ораторияси учун;

С. Юдаковга — «Ленин хотираси» вокал-симфоник поэмаси, поэма-рапсодияси ва «Фестиваль увертюраси» учун.

б) кичик ҳажмдаги асарлар:

Иккинчи мукофотлар — ҳар бири 750 сўм:

Ҳамид Раҳимовга — «Қуёшистон», «Севимли ёрим» ва «Ишқингда ёниб» қўшиқлари учун;

Шариф Рамазоновга — «Интизорман» «Гулларим», «Кел, дилрабо», «Севдим дилдан», «Газалхон», «Ҳамон сен ўзинг» эстрада қўшиклари учун.

Учинчи мукофот — 500 сўм:

Георгий Мушелга — етти романсдан иборат вокал цикли — «Унутилмас кишилар» «Тонг отди», «Смольнийда», «Ўлдирилган комиссар киссаси» «Шушенскоедаги уйча» «Дебоча» «Жудолик куни», «Ракета осмонга парвоз қилди» ва Зулфия шеърларига ёзилган 6 романс учун.

III. Энг яхши спектакллар, кинофильмлар ва ижрочилик фаолияти учун

а) катта ҳажмдаги асарлар:

Биринчи мукофот — 3000 сўм:

И. Эшмуҳамедовга, марҳума Майя Маҳмудовага — «Нафосат» кинофильми учун.

Иккинчи мукофот — 2000 сўм:

Иброҳим Юсупов, Галия Измайлова, Бернара Қориева ва В. А. Васильевга — Арам Хачатурянинг А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида қўйилган «Спартак» балети учун.

Учинчи мукофотлар — ҳарбири 1500 сўм:

М. Л. Синвакга — М. Горький номли Давлат рус драма театрида қўйилган «Полк бораётир» спектаклининг постановкаси учун.

Л. А. Файзиевга ва марҳум Мақсуд Шайхзодага — «Улуғбек юлдузи» кинофильми учун.

б) кичик ҳажмдаги асарлар:

Биринчи мукофот — 1000 сўм:

Ботир Зокировга — концерт-ижрочилик фаолияти учун.

Иккинчи мукофот — 750 сўм:

Ғани Аъзамовга — Ҳамза номидаги Давлат академик ўзбек драма театри спектакларидаги образларни яратганлиги учун.

Учинчи мукофот — 500 сўм.

Н. Отауллаева ва Н. Б. Азимовга — «Нуқувслик муаллим» кинофильми учун.

IV. Тасвирий санъатнинг энг яхши асарлари учун

а) катта ҳажмдаги асарлар:

Биринчи мукофот — 3000 сўм:

Ўрол Тансиқбоевга — Ўзбекистон манзаралари сериями учун.

Иккинчи мукофотлар — ҳар бири 2000 сўмдан:

М. А. Сандовга — «Ликбез» сурати учун;

Ф. И. Гришченко ва А. Бобохоновга — Фарғона область Шохимардонда ҳалок бўлган кизил аскарлар ёдгорлиги учун.

Учинчи мукофотлар — ҳар бири 1500 сўм:

Г. И. Улькога — «Биринчи сафлар» ва «Сув» расмлари учун;

Б. Бобоевга — «Бекатда», «А. Навоий ва Бехзод» расмлари учун.

б) кичик ҳажмдаги асарлар:

Иккинчи мукофот — 750 сўм:

К. Башаровга — «Пахтакорлар» «Теримчи кизлар», «Пахта байрами», «Оналик», «Оқшом», «Меҳнатдан сўнг» линогравюралар сериями учун.

Учинчи мукофотлар — ҳар бири 500 сўм:

Ф. А. Кагаров, Г. А. Ткачев ва В. И. Евенкога — плакатлар сериями учун;

Я. И. Шапировга — «Йўлчи» ва «Булоқ» ҳайкаллари учун.

V. Халқ-амалий санъатининг энг яхши асарлари учун

Биринчи мукофот — 1000 сўм:

К. Ҳайдаровга — Ёғочдан ишланган турли буюмлар сериями, миллий мебель туркуми. Тошкентдаги яхмалакни безаш фрагментлари учун.

Иккинчи мукофотлар — ҳар бири 750 сўм:

М. Усмоновга — Ганчга накш солиб биноларнинг интерьерларини безаганлиги учун.

М. К. Рахимовга — Халқ усулида ишланган сопол идишлар туркуми учун.

VI Энг яхши архитектура иншоотлари учун

а) катта ҳажмдаги иншоотлар:

Иккинчи мукофотлар — ҳар бири 2000 сўм:

И. Б. Орлов, В. Н. Иванов, Н. И. Симонов, Б. А. Герасимов, М. И. Левин, Т. Н. Ильина, Л. П. Лавров, В. Н. Назаров, А. Н. Свешникова, И. М. Жарковский, Г. П. Смородин, В. В. Панов, Б. В. Соловьёв, А. Я. Помазова, В. Н. Куренний, В. Ф. Матвеевларга — Навоий шаҳридаги тўққиз қаватли уй-жой биноси ва кенг экранли кинотеатрни лойиҳалаштирганликлари ва қурганликлари учун.

А. М. Ковалев, Н. А. Горбенко, Б. И. Блюм, П. П. Зинкина, Т. А. Лямина, Л. Е. Горлинский, В. И. Зауэрбрейларга — Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 280 ўринлик болалар боғчаси ва экспериментал мактаб биносининг лойиҳасини тузганликлари ва қурганликлари учун.

Ушбу қарорга биноан бериладиган мукофотлар учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг резерв фондидан Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига 45 минг сўм ажратилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДАГИ 1967 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Ленин мукофотлари ва давлат мукофотлари комитети тақдимномасини қараб чиқиб, СССРнинг 1967 йилги давлат мукофотларини беришга қарор қилдилар:

ФАН СОҲАСИДА

1. **Алексеевский** Николай Евгеньевич, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академиясининг С. И. Вавилов номли физика проблемалари институти лабораториясининг мудири, **Гайдуков** Юрий Павлович, физика-математика фанлари кандидати, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг старший илмий ходими — металларнинг гальваномагнит хоссаларини экспериментал тадқиқ этишга оид ишлар цикли учун.

2. **Гапонов-Грехов** Андрей Викторович, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Н. И. Лобачевский номли Горький давлат университети ҳузуридаги радио физика илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари, иш раҳбари, **Флягин** Валерий Александрович, лаборатория мудири, **Антаков** Игорь Иванович, **Юлпатов** Валерий Константинович, етакчи инженерлар, ўша институтнинг ходимлари **Петелин** Михаил Иванович Н. И. Лобачевский номли Горький давлат университетининг старший ўқитувчиси — янги классдаги электрон асбоблар — циклатрон резонансда ишлайдиган мазерлар (МЦР) яратишга олиб келган индукцияланган циклатрон нурланишнинг назарий ва экспериментал тадқиқотлари учун.

3. **Бабенко** Константин Иванович, физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси Амалий математика институтининг бўлим мудири, иш раҳбари, **Русанов** Виктор Владимирович, техника фанлари кандидати, ўша институт директорининг ўринбосари, **Воскресенский** Георгий Павлович, бўлим бошлиғи, Любимов Александр Николаевич, старший илмий ходим, техника фанлари кандидатлари, илмий тадқиқот институтининг ходимлари —1964 йилда эълон қилинган «Фазода идеал газнинг силлиқ жисмлар юзидан оқиб ўтиши» деган илмий асар учун.

4. **Витушкин** Анатолий Георгиевич, физика-математика фанлари доктори СССР Фанлар академиясининг В. А. Стеклов номидаги Математика институти старший илмий ходими — кўпликлар вариацияси ва алгоритмлар мураккаблигига баҳо беришда уларнинг қўлланишига доир ишлар цикли учун.

5. **Власов** Кузьма Алексеевич, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, иш раҳбари, **Бородин** Лев Сергеевич, **Иванов** Владимир Васильевич, **Сердюченко** Дмитрий Петрович, геология-минералогия фанлари докторлари, Кузьменко Мария Васельевна, геология-минералогия фанлари кандидати, бўлим мудирлари, **Еськова** Евдакия Михайловна, **Великий** Александр Семёнович, **Тихоненкова** Раиса Петровна, геология-минералогия фанлари кандидатлари, старший илмий ходимлар **Семенов** Евгений Иванович, геология-минералогия фанлари доктори, лаборатория мудири, СССР Фанлар академияси билан СССР геология министрлигининг Нодир элементлар минералогияси геохимияси ва кристаллохимияси институтининг ходимлари, **Сиидеева** Нина Дмитриевна, геология-минералогия фанлари доктори ўша институтнинг собиқ бўлим мудири, **Холодов** Владимир Николаевич, геология-минералогия фанлари кандидати, СССР Фанлар академияси Геология институтининг старший илмий ходими — «Нодир элементлар конлари геохимияси, минералогияси ва генетик типлари» деган уч томлик монография учун.

6. **Гиляров** Меркурий Сергеевич, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академиясининг А. Н. Северцов номидаги Ҳайвонлар морфологияси институти лабораториясининг мудири — 1964—1965 йилларда эълон қилинган «Тупроқ диагностикасининг зоология методи» ва «Тупроқда яшайдиган ҳашарот қуртларини аниқлагич» деган илмий асарлари учун.

7. **Юдахин** Константин Кузьмич, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Қирғизистон давлат университетининг профессори, 1965 йилда босиб чиқарилган «Қирғизча — русча луғат» илмий асари учун.

8. **Волобуев** Владимир Радионович, академик, Озарбайжон ССР Фанлар академияси бўлимининг академик секретари — 1953, 1962 ва 1963 йилларда эълон қилинган «Тупроқ ва иқлим», «Озарбайжон тупроқ катламининг экологик-генетик анализи» ва «Тупроқ экологияси» илмий асарлари учун.

9. **Виноградова** Татьяна Павловна, медицина фанлари доктори, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Марказий травматология ва ортопедия институтининг бўлим мудири, **Русаков** Арсений Васильевич, медицина фанлари доктори суяк системасининг физиологияси ва патологияси соҳасидаги илмий асарлари учун.

10. **Зильбер** Лев Александрович, СССР Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, **Свет-Молдавский** Георгий Яковлевич, медицина фанлари доктори, СССР медицина фанлари академияси Экспериментал ва клиник онкология институтининг лаборатория мудири — бошқа класслардаги ҳайвонлар учун Раус товуқ ёмон ўсмаси вирусининг патогенлигини кашф қилганлик учун (1957—1966 йилларда эълон қилинган ишлар цикли).

ТЕХНИКА СОҲАСИДА

1. **Блинников** Илья Иннокентьевич, бўлимнинг старший геологи, **Рябенко** Виктор Ефимович, бошқарма бошлиғи, **Тумольский** Леонид Михайлович, бошқарма бош геологи, **Шчербаков** Александр Федорович, геология партиясининг бош геологи, **Шамес** Петр Иосифович, экспедиция бош геологи, Иркутск геология бошқармасининг ходимлари, **Суҳамазов** Илья Данилович, геолог инженер — Савино магнезит конини очганликлари, разведка қилганликлари ва запасларини белгилаб чиққанликлари учун.

2. **Невиниих** Василий Алексеевич, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Краснодар қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтининг старший илмий ходими, **Сенченко** Григорий Иванович, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли Бутуниттифоқ луб экинлари илмий тадқиқот институтининг директори — конопля ва канопнинг юқори ҳосилли сортларини чиқарганликлари ва ишлаб чиқаришга жорий этганликлари учун.

3. **Аносов** Федор Васильевич, лаборатория бошлиғи, **Гайцхоки** Самуил Исерович участка бошлиғи, **Шчеголев** Глеб Степанович, профессор, бош конструктор, **Грановский** Семен Абрамович, **Малышев** Владимир Михайлович, техника фанлари кандидатлари, бош конструктор ўринбосарлари, Ленинградаги «КПСС XXII съезди» металл заводининг ходимлари, **Затовский** Николай Васильевич, Братск «Спецгидроэнергомонтаж» тресты монтаж участкасининг бош инженери, **Линючев** Валентин Алексеевич, С. Я. Жук номидаги Бутуниттифоқ «Гидропроект» лойиҳалаш қидириш ва илмий тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи, **Соколов** Николай Анатолиевич, Марказий технология ва машинасозлик илмий тадқиқот институтининг бюро мудири — Братск ГЭСининг жуда кучли радиал ўқли турбиналарини яратганликлари учун.

4. **Строганов** Константин Васильевич профессор, бош инженер **Бойко** Александр Трофимович, бош инженер ўринбосари, **Кригер** Анатолий Маврикиевич, профессор бош конструктор, **Феста** Георгий Александрович, **Михайлов** Григорий Георгиевич, бош конструктор ўринбосарлари, **Сосков** Борис Яковлевич, конструкторлик бюросининг бошлиғи, **Матеров** Георгий Алексеевич, цех бошлиғининг ўринбосари, **Калашников** Сергей Никифорович, **Наерман** Моисей Соломонович, техника фанлари кандидатлари, Марказий лабораторияларнинг бошлиқлари, **Саталович** Юрий Наумович, бўлим бошлиғи, **Алексеев** Владимир Николаевич, лойиҳалаш бошқармасининг бошлиғи, И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводининг ходимлари, **Поляков** Василий Васильевич, Москва Карбюратор заводининг директори — катта унумдор, узоққа чидайдиган «ЗИЛ-130» юк автомобиллари туркуми конструкцияларини яратганликлари ва уларни замонавий юксак автоматлаштирилган равишда кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйганликлари учун.

5. **Руснвов** Михаил Михайлович, техника фанлари доктори, Ленинграддаги Аниқ механика ва оптика институтининг кафедра мудири, иш раҳбари, **Иванов** Петр Дмитриевич техника фанлари кандидати, старший илмий ходим, **Лившиц** Эммануил Маркович, тажриба конструкторлик бюросининг бош конструктори, ўша институтнинг ходимлари, **Антонов** Александр Тихонович, бўлим бошлиғи **Каплан** Нина Александровна Бутуниттифоқ телевидение илмий тадқиқот институтининг старший инженери — суюқ муҳитларда ишлайдиган оптик системалар комплексини яратганликлари, тадқиқ этганликлари ва жорий қилганликлари учун.

6. **Емельянов** Виталий Алексеевич, бош инженер, **Максимова** Надежда Тимофеевна, етакчи инженер, **Фролов** Павел Николаевич, етакчи конструктор, Бутуниттифоқ электр механика илмий тадқиқот институтининг Ленинград филиали ходимлари, **Иванов** Николай Павлович техника фанлари кандидати, **Мозалевский** Анатолий Васильевич техника фанлари кандидати, Ленинграддаги «Электросила» электр машинасозлик бирлашмасининг бош директори, **Каплан** Моисей Яковлевич — группа бошлиғи **Прутковский** Самуил Александрович — бюро бошлиғи, **Лютер** Роберт Андреевич, техника фанлари доктори, бош конструктор ўринбосари, **Цибульский** Евстафий Иванович ишлаб чиқариш бошлиғи С. М. Киров номидаги «Электросила» заводининг ходимлари, **Ипатов** Павел Михайлович, техника фанлари доктори, ўша заводнинг собиқ бош инженери, **Школьников** Николай Иосифович, «Сибэлектротяжмаш» заводининг бош инженери — Братск ГЭСининг гидрогенераторларини яратганликлари учун.

7. **Чиликин** Михаил Григорьевич — техника фанлари доктори, Москва энергетика институтининг ректори, иш раҳбари, **Ивоботенко** Борис Алексеевич, старший илмий ходим, **Сиротин** Артемий Афанасьевич, доцент, техника фанлари кандидатлари, ўша институтнинг ходимлари, **Ратмиров** Валерий Аркадьевич старший илмий ходим, **Зусман** Владимир Григоревич — бўлим раҳбари, техника фанлари кандидатлари, Металл қирқувчи станоклар экспериментал илмий тадқиқот институтининг ходимлари, **Филатов** Алексей Сергеевич, техника фанлари кандидати, Бутуниттифоқ металлургия машинасозлиги илмий тадқиқот ва лойиҳалаш конструкторлик институтининг бўлим бошлиғи, **Кобринский** Арон Ефимович техника фанлари доктори, Давлат машинасозлик илмий тадқиқот институтининг лаборатория мудири, **Васильев** Юрий Константинович техника фанлари кандидати, асбобсозлик автоматизация воситалари ва бошқариш системалари министрлиги Автоматик институтининг лаборатория мудири, **Минкин** Марк Моисеевич, конструкторлик бюроси бошлиғи, **Рибаков** Валентин Семёнович, жамоат-Конструкторлик бюросининг бош конструктори, **Лодочников** Эвальд Акимович, Давлат электротехника илмий тадқиқот институтининг бош конструктори — одимловчи двигателли дискрет ҳаракатлантиргич элементлари ва системаларини яратганликлари ва саноатга жорий қилганликлари учун.

8. **Абморшев** Валентин Иванович, комбайнларнинг собиқ бош конструктори, **Германов** Вадим Евгеньевич ер ости ва шахта қурилиши Марказий илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти лойиҳасининг бош конструктори **Симаковский** Георгий Васильевич, бош инженер, **Благовешченский** Рим Викторович группа раҳбари, **Ноздрин** Петр Филимонович, конструкторлик бюросининг бошлиғи, **Крутилин** Владимир Иванович ўша бюронинг бош инженери, С. М. Киров номли Копейск машинасозлик заводининг ходимлари, **Ключников** Иван Иванович лойиҳанинг бош конструктори, **Лоханин** Константин Анатолевич бўлим бошлиғи, давлат кўмир саноати машинасозлиги лойиҳа-конструкторлик ва экспериментал институтининг ходимлари, **Кушчанов** Гумар Кушчанович, техника фанлари кандидати, Қарагандадаги «Гипроуглегормаш» институтининг директори, **Берреун** Владимир Александрович директор ўринбосари, **Юдин** Николай Петрович бўлим бошлиғи, техника фанлари кандидатлари, **Шманев** Александр Никонорович, лойиҳанинг бош конструктори, ўша институтнинг ходимлари — «ПК» ва «Караганда» типларидаги проходка комбайнлари конструкцияларини яратганликлари ва уларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришни ўзлаштирганликлари учун.

9. **Богатырев** Владимир Петрович «Кузбасскарьеруголь» комбинатининг бош инженери, иш раҳбари, **Нурок** Григорий Аркадьевич, техника фанлари доктори, профессор, **Чаплин** Борис Николаевич, доцент, **Медников** Николай Николаевич, старший инженер техника фанлари кандидатлари, Москва Кончилик институтининг ходимлари, **Литвин** Иван Федорович, техника фанлари кандидати, Бачат кўмир карьерининг бошлиғи, **Николаев** Константин Иванович **Митин** Леонид Алексеевич, техника фанлари кандидати, участкалар бошлиқлари, **Мартинов** Иван Николаевич, землесос машинисти, **Баданин** Георгий Андреевич, участка механиги, ўша кўмир карьерининг ходимлари, **Линденау** Николай Иванович техника фанлари кандидати, кон саноатидаги ишларнинг хавфсизлиги билан шуғулланувчи Шарқий илмий тадқиқот институтининг директори, **Данильччук** Павел Андреевич, Красние Броди кўмир карьери землесос машинисти — Кузбассдаги мураккаб геология ва иқлимий шароитларда гидравлик иш усулларидан фойдаланиб, кўмирни очиқ усулда қазиб олиш янги технологиясини ишлаб чиққанликлари ва кенг жорий қилганликлари учун.

10. **Гришчук** Иван Яковлевич, СССР Қора металлургия министрлиги «Южгипроруда» иттифоқ давлат институтининг директори, **Фидель** Рувим Абрамович, бош инженер, **Писанп** Евгений Петрович, бош гидрогеолог, Лебединский руда бошқармасининг ходимлари, **Попов** Андрей Григорьевич, ўша руда бошқармасининг собиқ бош инженери, **Шифрин** Иосиф Исаакович «Центрогипроруда» лойиҳалаш давлат институтининг директори, **Борисов** Сергей Федорович геология-минералогия фанлари кандидати, директор ўринбосари, **Полежаева** Серафима Ивановна, лаборатория мудири, Л. Д. Шевяков номидаги Курск магнит аномалияси проблемалари илмий тадқиқот институтининг ходимлари, **Копейко** Василий Яковлевич, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бош бошқармасининг бошлиғи, **Моргулис** Моисей Лазаревич, «Фундаментпроект» институти лойиҳасининг бош инженери, **Багдасарьян** Георгий Степанович, шахталар ва разрезларни қуритиш билан шуғулланувчи «Союзшахтоосушение» трестининг бош инженери, **Кислов** Василий Михайлович, СССР Давлат кончилик техника назоратининг Курск-Белгород округи бошқармасининг бош инженери — мураккаб кон-геология шароитларида Курск магнит аномалияси (Лебединский район) темир руда манбаларини ишлаш методларини яратганликлари ва ўзлаштирганликлари учун.

11. **Биков** Владимир Александрович **Калашникова** Милица Ивановна, Серго Орджоникидзе номидаги Урал оғир машинасозлик заводи конструкторлик бюросининг бошлиқлари, **Макаев** Сергей Владимирович, директор, **Винокуров** Израил Яковлевич, цех бошлиғи, **Рабинович** Дора Моисеевна, лаборатория бошлиғи, техника фанлари кандидатлари, В. И. Ленин номидаги Нижний Тагил металлургия комбинатининг ходимлари, **Губерт** Станислав Владимирович, техника фанлари кандидати, ўша комбинат собиқ цех бошлиғи, **Раузин** Яков Рафаилович техника фанлари доктори; лаборатория раҳбари **Власов** Владимир Иванович техника фанлари кандидати, бўлим раҳбари, Бутуниттифоқ темир йўл транспорти илмий тадқиқот институтининг ходимлари, **Грдине** Юрий Вячеславович, техника фанлари доктори, Серго Орджоникидзе номидаги Сибирь металлургия институтининг кафедра мудири **Ершов** Илья Семенович, металлургия заводларини лойиҳалаш Урал давлат институтининг бўлими бош конструктори, **Капорцев** Николай Васильевич, СССР Йўллар министрлиги бўлимининг старший инженери, **Сухов** Иван Иванович, Қора металлургия учун пўлат қуйиш ва прокат ишлаб чиқариш агрегатларини лойиҳалаш билан шуғулланувчи Иттифоқ давлат институти бўлимининг бош теплотехниги — темир йўл рельсларига термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиққанликлари, машина-ускуналарини яратганликлари ва ишлаб чиқаришга жорий этганликлари учун.

12. **Левин** Лев Яковлевич, Череповец металлургия заводининг собиқ бош инженери ўринбосари, **Ванчиков** Владимир Алексеевич, бош инженер **Антонов** Владимир Михайлович, бош инженер ўринбосари, **Гнездилов** Илья Григорьевич, бош механик ўринбосари, **Кайлов** Валентин Дмитриевич, цех бошлиғининг ўринбосари, **Курдюмов** Георгий Степанович, цехнинг старший газчиси, **Аверьянов** Борис Сергеевич, домна печининг старший горновойи, **Корегин** Авенир Васильевич, **Яшченко** Борис Федорович, домна печининг мастерлари, ўша заводнинг ходимлари, **Цаплев** Михаил Павлович бўлим бошлиғи, **Штурц** Виктор Николаевич, бўлимнинг бош конструктори, металлургия заводларини лойиҳалаш Ленинград иттифоқ давлат институтининг ходимлари, **Панкрушин** Виктор Иванович, Оленогорск кончилик саралаш комбинатининг директори, — янги техникани комплекс жорий қилиш ва технологияни такомиллаштириш ҳисобига 2 минг куб метр ҳажмли домна печида жаҳон практикасида битта агрегатдан энг юқори унумдорликка эришганликлари учун.

13. **Привалов** Михаил Моисеевич, Кузнецк металлургия комбинатининг собиқ цех бошлиғи, **Семененко** Петр Пименович, А. К. Серов номидаги металлургия заводининг директори, **Барищников** Геннадий Иванович, ўша завод цех бошлиғининг ёрдамчиси, **Басьяс** Игорь Павлович техника фанлари кандидати, ўтга бардош берадиган саноат Шарқий илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти лабораториясининг бошлиғи, **Крестьяников** Владимир Федорович, Златоуст металлургия заводи цех бошлиғининг ўринбосари. **Кондратьев** Сергей Николаевич, пўлат эритувчи **Ширнин** Иван Антонович В. И. Ленин номидаги Нижний-Тагил металлургия комбинати мартен печларининг обермастери, **Трифонов** Алексей Григорьевич, Магнитогорск металлургия комбинатнинг бош пўлат эритувчиси, **Гарченко** Василий Тарасович, ўша комбинатнинг собиқ цех бошлиғи, **Шевцов** Евгений Иванович, техника фанлари кандидати, Қозоғистон металлургия заводининг собиқ цех бошлиғи **Панфклов** Михаил Иванович, техника фанлари кандидати Урал Қора металлар илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари — мартен печлари иш унумдорлигини оширишни таъминлаш учун шу печлар туб қисмини тайёрлаш ва тиклашнинг янги технологиясини ишлаб чиққанликлари ва жорий қилганликлари учун.

14. **Сейфулин** Газиз Кутузович, бўлим бошлиғи, **Анисифоров** Владимир Павлович, техника фанлари кандидати, лаборатория мудири, **Максимова** Зоя Михайловна, бюро бошлиғи, Бутуниттифоқ металлургия машинасозлиги илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институтининг ходимлари, **Гремячкин** Николай Леонидович, бош механик, **Нодев** Эрик Освальдович, бўлим бошлиғи. Первоуральск новотрубний заводи ходимлари. **Кауфман** Майер Шмеркович, техника фанлари кандидати, ўша заводнинг собиқ бўлим бошлиғи, **Гуляев** Геннадий Иванович, техника фанлари кандидати Бутуниттифоқ труба саноати илмий тадқиқот ва конструкторлик-технология институти директорининг ўринбосари, **Бедняков** Владимир Петрович, оғир машинасозлик Электросталь заводи конструкторлик бюросининг бошлиғи, **Ревес** Иван Степанович ўша завод конструкторлик бюросининг собиқ бошлиғи, **Ваткин** Яков Львович, техника фанлари доктори, Днепропетровск металлургия институтининг профессори, **Марков** Владимир Павлович, металлургия заводларини лойиҳалаш иттифоқ давлат институти бўлимининг бошлиғи, **Романов** Павел Иванович, ўша институт бўлимининг собиқ бош конструктори — Первоуральск новотрубний заводида узлуксиз труба прокат қилувчи юқори унумдор 30—102 агрегатини яратганликлари учун.

15. **Абовский** Владимир Пинкусович, Главкрасноярскстрой бошлиғининг ўринбосари, **Авраменко** Станислав Александрович Главкрасноярскстрой «Железобетон» трестининг бош инженери, **Глуховский** Корнелий Аркадьевич, техника фанлари кандидати, Главзапстрой бошлиғи, **Шагал** Гирш Меерович, Главзапстрой «Оргтехстрой» тресты бўлимининг бош мутахассиси **Павлайнен** Вольдемар Яковлевич, СССР Госстрой лойиҳалаш институтининг бош мутахассиси, **Либерман** Альфред Давидович, техника фанлари кандидати, СССР Госстройига қарашли қурилиш конструкциялари илмий тадқиқот институтининг лаборатория раҳбари **Чиненков** Юрий Васильевич, техника фанлари кандидати, СССР Госстройига қарашли бетон ва темирбетон илмий тадқиқот институтининг старший илмий ходими **Горенштейн** Борис Владимирович, техника фанлари кандидати, «Ленпромстройпроект» давлат лойиҳалаш институти бўлимининг бош конструктори, **Демченко** Павел Алексеевич, Главленинградстрой қурилиш бошқармасининг бошлиғи **Левинский** Абрам-Леонид Гиршевич, Электротехника саноати министрининг ўринбосари, **Свешников** Гавриил Васильевич, Главкиевгорстрой қурилиш трестининг бошқарувчиси — саноат миқёсида тайёрланадиган йиғма темирбетон қобиқлар учун.

16. **Скворцов** Сергей Александрович, техника фанлари доктори, сектор бошлиғи, **Сидеренко** Виктор Алексеевич, лаборатория мудири, **Новиков** Андрей Николаевич, группа раҳбари, **Глухов** Александр Матвеевич, лаборатория бошлиғи, техника фанлари кандидатлари, **Хохлачев** Анатолий Афанасьевич, бош конструктор ўринбосари, **Сорокин** Евгений Михайлович, старший инженер, **Садчикова** Зоя Васильевна, **Ермолов** Борис Иванович, инженерлар, И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институтининг ходимлари, **Овчинников** Федор Яковлевич, техника фанлари канидати, атом электростанциясининг директори, **Ермаков** Георгий Викторович СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги бошқармасининг бош инженери, **Иванов** Михаил Иванович, «Теплоэлектропроект» институти лойиҳасининг бош инженери, **Прозоровский** Дмитрий Викторович, атом электростанцияси қурилиш бошқармасининг бошлиғи — Нововоронеж атом электростанциясини ишлаб чиққанликлари, қурганликлари ва ўзлаштирганликлари учун.

17. **Изаров** Владимир Тимофеевич, геология партиясининг старший геологи, **Чернов** Евгений Давидович, геология партиясининг геологи, **Кручек** Алик Иванович, петрограф геолог, **Романчиков** Михаил Андреевич, бош сараловчи, **Меньшиков** Петр Николаевич, комплекс геофизика партиясининг бошлиғи, **Ноговицин** Кулунтарий Григорьевич, пармалаш ишлари прораби, Амакан экспедициясининг ходимлари — «Айхал» олмос манбаини кашф этганликлари ва разведка қилганликлари учун.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДАГИ 1967 ЙИЛ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан ССР Иттифоқи Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги СССР Ленин мукофотлари ва давлат мукофотлари комитетининг тақдимномасини қараб чиқиб, қарор қилдилар:

1. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллик йилида адабиёт, санъат ва архитектуранинг алоҳида йирик асарларидан кенгроқ доирасини рағбатлантириш мақсадида адабиёт санъат ва архитектура соҳасидаги СССР Давлат мукофотларининг миқдори 1967 йилда ўн еттитага етказилсин.

2. 1967 йилги СССР давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

1. **Андроников** Ираклий Луарсабович, филология фанлари доктори, РСФСР да ва Грузия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби — «Лермонтов. Тадқиқотлар ва топилмалар» китоби учун.

2. **Кемпе** Мирдза (Найковская Мирдза Яновна), Латвия ССР халқ шоири — «Туғанмас онлар» шеърлар китоби учун.

3. **Смеляков** Ярослав Васильевич, шоир—«Россия куни» шеърлар туркуми учун.

МУЗИКА ВА КОНЦЕРТ ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

4. **Петров** Андрей Павлович, композитор —1964-1965 йилги қўшиқлар учун: «Отам ҳақида қўшиқ», «Зангори шаҳарлар», «Дўстимни куйлайман», «Тепаликда», «Москва бўйлаб бораман».

5. **Тактакишвили** Отар Васильевич, композитор, Грузия ССР халқ артисти — Ираклий Абашидзе шеърига ёзилган «Руставели изидан» ораторияси учун.

6. **Хренников** Тихон Николаевич, СССР халқ артисти — чалғу асбоблари концертлари цикли учун (скрипка билан оркестр учун концерт, виолончель билан оркестр учун концерт).

7. **Юрлов** Александр Александрович, республика академик рус хор капелласининг бадиий раҳбари, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби — 1964-1965 ва 1965-1966 йил мавсумларининг концерт программалари учун.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

8. **Белашова** Екатерина Фёдоровна, ҳайкалтарош, СССР халқ рассоми — ҳайкаллар туркуми учун («Орзу», «Надежда Константиновна Крупская», «Александр Сергеевич Пушкин, 1837»).

9. **Горяев** Виталий Николаевич, РСФСРда хизмат кўрсатган рассом — Н. В. Гоголнинг «Петербург қиссалари» китобига чизилган расмлар учун.

10. **Қличев** Иззат Назарович, Туркманистон ССР халқ рассоми — «Менинг Туркманистоним» расмлар туркуми учун («Мен ва онам», «Афсона», «Юнгтарошлар», «Саҳро», «Белужлар»).

ТЕАТР САНЪАТИ СОҲАСИДА

11. **Розов** Виктор Сергеевич, драматург, инсценировка автори, Волчек Галина Борисовна (Беровна) режиссёр, Казаков Михаил Михайлович, актёр, роль ижро этувчи. Табаков Олег Павлович, актёр, роль ижро этувчи — Москвадаги «Современник» театрида қўйилган «Оддий воқеа» спектакли учун.

12. **Ирд** Каарел Кириллович, режиссёр, Эстония ССР халқ артисти — Эстония давлат академик «Ванемуйне» театрида «Одомови капитан», «Оққуш парвози», «Эркакча қўшиқлар» «Кориолан» спектаклларининг постановкаси учун.

13. **Честноков** Владимир Иванович, СССР халқ артисти сўнгги йиллардаги спектакллар ва фильмларда В. И. Ленин образини яратганлиги учун.

КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА

14. **Жалакявичюс** Витаутас Пранович, сценарий режиссёри ва автори, Литва ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Грецюс** Ионас Августинович оператор, Литва ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, **Бошнонис** Донатас Юозович Литва ССРда хизмат кўрсатган артист, **Оя** Бруно Вернерович артист, ролларни ижро этувчилар Литва киностудияси ишлаб чиқарган «Ҳеч ким ўлишни истамади» бадиий фильми учун.

15. **Юткевич** Сергей Иосифович, сценарий режиссёри ва автори, СССР халқ артисти, **Габрилович** Евгений Иосифович, Литва ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, сценарий автори «Мосфильм» киностудияси билан «Студио» ижодий бирлашмаси (Варшава) ишлаб чиқарган «Ленин Польшада» бадиий фильми учун.

АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА

16. **Милецкий** Авраам Моисеевич, **Бильский** Эдуард Антонович, архитекторлар, **Линович** Леонид Евсеевич **Печенов** Алексей Николаевич инженерлар — Киев шаҳридаги пионер ва ўқувчилар саройининг архитектураси учун.

17. **Полянский** Анатолий Трофимович **Витухин** Дмитрий Сергеевич, архитекторлар. **Рацкевич** Юлий Владимирович, инженер — Артекдаги В. И. Ленин номли «Прибрежный» халқаро пионерлар лагери комплексининг архитектураси учун.

КИНЕМАТОГРАФИЯ ХОДИМЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Совет кинематографиясини ривожлантиришдаги хизматлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги, кино муассасаларида кўп йиллар ва самарали ишлаганлиги учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1967 йил 4 ноябрдаги Фармонига биноан, кинематография ходимларидан катта группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади. Шу жумладан Ўзбекистон ССРдан:

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Ёрматов Комил Ёрматович — СССР халқ артисти, «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Еременко** Анастасия Павловна — Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон 25 йиллиги» кинотеатрининг директори.

2. **Умарова** Хосият — «Ўзбекфильм» киностудиясининг монтаж бўйича режиссёри.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Азизов** Ҳафиз — Самарқанд области, Самарқанд район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

2. **Габдуракипов** Исмоил Абдуллаевич — Бухоро областидаги Навоий район кино тармоғи дирекциясининг киномеханиги.

3. **Глазирин** Владимир Николаевич — Фарғона область. Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхознинг старший киномеханиги.

4. **Исломова** Анвара — «Ўзбекфильм» киностудиясининг монтажчиси.

5. **Колпаков** Иван Иванович — Сирдарё областидаги Жиззах район кино тармоғи дирекциясининг киномеханиги.

6. **Соатов** Ортиқ — Тошкент областидаги Калинин район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

7. **Саидов** Аҳмаджон Муҳаммаджонович — Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон ССР илмий оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар киностудиясининг оператори.

8. **Умаров** Дадажон — Андижон областидаги Андижон район кино тармоғи дирекциясининг шофер киномеханиги.

9. **Урозбоев** Ялгаш — Қорақалпоғистон АССРдаги Амударё район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

10. **Эргашев** Алихон — Фарғона областидаги Қува район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Олламуротов** Жўлдосбой — Қорақалпоғистон АССР, Тахтакўпир районидаги «Москва» совхозининг старший кино механиги.

2. **Аҳмедов** Аҳмад — Андижон областидаги Қўрғонтепа пахта заводи клубининг киномеханиги.

3. **Дилдабеков** Умрзоқ — Сирдарё области. Жеттисой район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

4. **Эшонхўжаев** Аъло Хўжаевич «Ўзбекфильм» киностудияси кинокартиналар директори.

5. **Нодиров** Турди — Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон ССР илмий оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар киностудиясининг оператори.

6. **Нарзуллаев** Носир — Қашқадарё область. Шаҳрисабз район кинотармоғи дирекциясининг шофер киномеханиги.

7. **Плаксина** Зинаида Ивановна — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг старший инспектори.

8. **Пчельникова** Лидия Антоновна — Тошкент шаҳридаги кинофильмлар прокат қилиш республика конторасининг старший монтажчиси.

9. **Ханженян** Мкртич Арменакович — Тошкент область Чирчиқ шаҳридаги кинотеатрлар бирлашган дирекциясининг директори.

10. **Шведов** Федор Владимирович — Самарқанд область, Пастдарғом район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Задорожний** Андрей Григорьевич — Сирдарё область, Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг киномеханиги.

2. **Иброҳимов** Рустам — Фарғона область, Охунбобоев район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

3. **Имомов** Умрзоқ — Бухоро область, Қоракўл районидаги «Заря» кинотеатрининг киномеханиги.

4. **Мамажонов** Исоқжон — Андижон область Ленин район кинотармоғи дирекциясининг шофёр киномеханиги.

5. **Матёқубов** Искандар — Хоразм область. Ҳазорасп район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

6. **Норов** Мустафо — Сурхондарё область, Жарқўрғон район кинотармоғи дирекциясининг киномеханиги.

7. **Файзиев** Хатам Холматович «Ўзбекфильм» киностудиясининг оператори.

8. **Хе-Ук** Андрей Иванович — Қорақалпоғистон АССРнинг Тахиатош шаҳридаги «Весна» кинотеатрининг директори.

9. **Ёқубов** Галабой — Самарқанд областининг Нурота районидаги 1 «Қўшработ» совхозининг киномеханиги.

Ўртоқ Д. С. Полянскийни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Коммунистик партия ва совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Дмитрий Степанович **Полянскийни** Ленин ордени билан мукофотлади.

(ТАСС).

Газетамизнинг навбатдаги сони 11 ноябрда чиқади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64579
Нашр. № 3054.

Р. 06890